



Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигида яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш бўйича амалга оширилган тадбирлар.

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигида яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш бўйича 2020-2021 йилларга мўлжалланган йўл харитаси”да қайд этилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ушбу масалага масъул бўлган алоҳида “Транспорт соҳасида яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашиш бўлими” вазирликнинг жорий йил 21-августдаги 165–сонли буйруғи билан ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг 17-сентябрдаги 186-сонли буйруғи билан вазирлик тизимида “Яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш юзасидан махсус ишчи гуруҳи тузилди ва жорий йилнинг 11 сентябр, 7 октябр кунлари амалга оширилиши лозим бўлган ишлар муҳокама қилиниб, бажарилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг 2020 йил 27 октябрдаги 212- сонли буйруғига биноан “Uzbekistan Airports” акциядорлик жамиятида яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши кураш бўйича олиб борилаётган ишлар юзасидан ўрганиш ўтказилиб, маълумотнома тузилган.

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг жорий йил 29 октябрдаги 216-сонли ҳамда 13 ноябрдаги 225-сонли буйруқлари қабул қилиниб, қуйидаги ички идоравий ҳужжатлар тасдиқланган:

1. Транспорт вазирлигининг кадрлар сиёсати;
2. Ишга қабул қилиш учун танлов ва лавозимга тайинлаш тартиби;
3. Транспорт вазирлиги марказий аппарати, ҳудудий бўлинмалари ва унинг тузилмасига кирувчи идоравий мансуб ташкилотларнинг раҳбар кадрларини лавозимларга тайинлаш механизми;
4. Транспорт вазирлиги марказий аппарати, унинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари;
5. Транспорт вазирлигининг одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги низом;
6. Транспорт вазирлигининг одоб-ахлоқ комиссияси таркиби;
7. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги тизимида манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги тартиб;

8. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш сиёсати;

9. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг коррупцияга оид ҳаракатлар тўғрисида ахборот бериш учун алоқа каналлари орқали келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва қайта ишлаш регламенти.

Шунингдек, “Транспорт вазирлигининг ваколатли органлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисида”ги низом ишлаб чиқилиб, вазирликнинг 2020 йил 2 декабрдаги 239-сонли буйруғи билан тасдиқланган.

«Яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш» мавзусидаги онлайн семинар-тренинг 2020 йил 12-декабрда Тошкент давлат юридик университети профессор ўқитувчилари ва оммавий ахборот воситалари иштирокида ўтказилиб, ушбу тадбирда тизим ходимларига коррупция тушунчаси, уни бартараф этиш бўйича Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишлар тўғрисида кенг маълумотлар берилди.